



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлғи. Р.Холиқназаров

### Техник шарт

Олтиариқ туманид Муқумий ва Полосон МФЙ 430 та аҳоли хонадонларини ва 25 дан зиёд тадбиркорлик субъектларини ичимлик сув таъминотини янада яхшилаш мақсадида қуйидаги ишларни амалга оширилишини таълаб этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Олтариқ тумани Муқумий ва Полосон МФЙ аҳолисини ичимлик суви таъминотини тизимини яхшилаш учун уланиш нуқтаси: Товоқчи кўчаси ҳудудида мавжуд сув иншоотига 2 дона янги ичимлик тик сув кудуғи қазил, 2 дона замонавий (вило) сув кўтариш насоси ўрнатиш, ичимлик сув кудуғи ёнига бошқарув мосламаси (щит каскад) урнатиш, 1 дона мавжуд ичимлик сув минорасини мукамал таъмирлаш ва унга UZSUVTAMINOT логотипи бўйлаб, автоматик ўчириб ёқиш ускунаси (Поплавок) ўрнатиш, мавжуд 2 дона сифими 100 м<sup>3</sup> сув сақлаш омбори реконструкция қилиш, автоматик ўчириб ёқиш ускунаси (Поплавок) ўрнатиш, мавжуд II-кўтариш насос станцияси реконструкция қилиш ва лойиха асосида қувватидан келиб чиқиб замонавий электр энергия тежамкор (вило) насослари ўрнатиш, лойиха асосида мавжуд ичимлик сувини хлорлаш ва зарарсизлантириш биносини реконструкция қилиш ва лойихага мос ускуналар билан жихозлаш, мавжуд назорат хонаси реконструкция қилиш, 1 дона ТП (трансформатор) ўрнатиш ва электр хаво линияси тортиш, замонавий электр ва сув хисоблагичлар ўрнатиш ҳамда Муқумий МФЙ ҳудудидаги Муқумий, Низомий, Иқбол, Мозортаги, Мозорбоши, Замахшарий, Марғилон йўли кўчаларига узунлиги 8,5 км ва Полосон МФЙ ҳудудидаги Тавоқчи, Қувурбоши, Мозорбоши кўчаларига 2,5 км SDR17 турдаги полиэтилен 8,0 (АТМ) босимли ичимлик сув қувури лойиха асосида замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМК талабларига ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда иншоот ҳудуди ўралиши ва замонавий ёриткич чироқлари билан таъминланиши таълаб этилади.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Олтиариқ тумани Муқумий ва Полосон МФЙ ҳудудида ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва

давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Таёрланган лойиха-смета хужатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ**  
**Бош мухандиси:**



**И.Абдуллаев**